



## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК КОМПОНЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Т.Сабирходжаева

АДУ, “Санъатшунослик” факультети  
“Тасвирий санъат ва муҳандисдик  
графикаси” катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Техникавий тафаккурни ривожлантиришга бағишланган психология ва педагогикага оид адабиётларда ўқувчиларнинг лойихалаш, конструкциялаш-техникавий фаолияти масалаларига эътибор берилган

**Калит сўзлар:** технология, конструкция, инновацион ғоялар, техника, таълим сифати.

Ёш авлодни ижодий меҳнатга тайёрлаш, тафаккурини ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги таълимнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифа “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўзининг аниқ ифодасини топган. Шунингдек, ушбу ҳужжатда “Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитлари ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижодий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир”, -деб таъкидланган.

Фан ва техника тараққиётини ривожлантиришни, тайёрланадиган маҳсулот сифатини тубдан яхшилашни, ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорлигини таъминлай оладиган кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш, яъни халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ижодий меҳнатга тайёрлаш борасидаги мана шу катта ишлар мактабда бошланиб, ўрта махсус ва олий таълим мактабларида ривожлантирилади.



Маълумки, техникавий тафаккур, хаёл, идрок ва тасаввурлар техникавий ижод жараёнида намоён бўлади, уларни таълим жараёнида фақат психологик жиҳатдан қайта қуриш эмас, балки мунтазам такомиллаштириш натижасида ўқувчиларнинг конструкторлик, технологик қобилиятлари ривожланади. Демак, умумий ўрта таълим мактаблари ва таълимнинг кейинги босқичларида ёшларнинг конструкторлик, технологик қобилиятларини ривожлантириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Технологик таълим амалий машғулоти жараёнида содда буюм, асбобларнинг намуналарини тайёр иш чизмалари ва технологик хариталари бўйича тайёрлаш, техникавий ижодкорликни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда ўқувчиларнинг ақлий, жисмоний ва ёш хусусиятларига қараб, маълум кетма-кетликда ўқитувчидан кўриб бажариш, билиш-ижрочилик, шунингдек, ижодий меҳнатнинг ҳажмини тўғри тақсимлаш зарур.

Техникавий тафаккурни ривожлантиришга бағишланган психология ва педагогикага оид адабиётларда ўқувчиларнинг лойиҳалаш, конструкциялаш-техникавий фаолияти масалаларига эътибор берилган, [2].

Психология фани ўз тадқиқотларида техникавий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда бошланғич синф ўқувчиларининг конструкторлик-техникавий масалаларни бажариш жараёнида фикрлаш фаолиятини фаоллаштиришга оид турли воситалардан (пластилин, рангли қоғоз...) усуллар кўрсатилган. V-VII синф ўқувчиларининг конструкторлик-технологик фаолиятини ривожлантиришда, ўқувчилар технологик таълим амалий машғулотида буюмни ўлчаш, яшаш, унинг конструкциясига хос бўлган хусусиятларига ўзгартиришлар киритиш, лойиҳалаш, моделлаштириш ва деталларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, моделлаштирилган объектни такомиллаштириш ёки конструкциясини охирига етказиш, сўнгра унинг деталларини тайёрлаш ва уларни йиғиш билан боғлиқ бўлган техникавий вазифаларни ҳал қилиш жараёнида ижодий фаолиятга йўналтирилади ва босқичма-босқич техник тафаккури шаклланади.



Демак, ўқувчиларнинг техник тафаккурини ривожлантириш йўлларида бири технологик таълим амалию машғулоти жараёнида содда буюмларни, асбобларнинг намуналарини лойиҳалаш, техник конструциялаш ва моделлар ясашидир.

Фаннинг политехник хусусиятлари ўқувчиларнинг индивидуал қизиқишлари ва қобилиятларини оширишга кўмаклашувчи турли хил объектлардан фойдаланиш имконини беради, [3].

Аммо, ўқувчиларга конструциялашга оид амалий масалаларни тайёрланма учун материал танлаш, керакли асбоб ускуналарни технологик жиҳатдан тўғри режалаштириш ва танлаш, ишлаш жараёнларини билиб олгач, шунингдек, керакли график билимларни эгаллагандан сўнг ўргатиш керак. Ўқувчиларга график савод элементларини ўргатиш деганда, ўқувчиларнинг техникавий расмларни, деталларнинг эскизлари ва чизмаларини, йиғишга оид чизмаларини, турли узеллар, механизмлар ва асбоб-ускуналарнинг кинематик схемаларини тузиб чиқишни ўрганишлари тушунилади.

“Маълумки, умумий ўрта таълим ва касб-хунар мактабларида чизмачилик меҳнат таълимининг мукамал амалга оширилиши ўқувчиларнинг графикага оид саводхонлигининг сифатига ҳам боғлиқ” [4]. Чизмани ўқиш ва уни тушуниш меҳнат таълими топшириқларини унумли бажаришда асосий омиллардан биридир.

Чизмачиликка оид айрим билимларсиз ўқувчиларга конструциялаш ва технология элементларини ўргатиб бўлмайди, [5].

Умумий ўрта таълим мактабларида чизмачилик фанига оид график билимларга таяниб иш кўрадиган меҳнат таълими чизмачиликдан анча олдин бошланади, яъни VIII-IX синфларда ўқитилиши мўлжалланган чизмачилик фани V-VII синфларда ўқитиладиган меҳнат таълими орасидаги узилиш мавжуд. Масалан, V синфдан бошлаб технологик таълим дарсларида ўқувчиларга деталь ва буюмлар тайёрлашни ўргатиш жараёнида ўқувчиларни “чизма” ва “техник расм” тушунчалари билан чизиқ турлари ҳақида тасаввур шаклланади, қалинлик, диаметр ва радиуслар шартли белгилари билан танишадилар, [6].



Шунинг учун технологик таълим ўқитувчиси график савод элементларини ўргатишни дастлабки машғулотлар жараёнида режалаштириб, меҳнат усулларини тўғри бажариш, олинган билимларни амалда қўллашни назорат қилиш ва ўқув фаолияти натижаларини баҳолаш жараёнида такомиллаштириб бориши лозим.

Технологик таълим ўқитувчисининг ўзи зарур билим ва малакаларни юксак савияда эгаллабгина қолмай, балки ўқувчиларда ҳам маълум малакаларни таркиб топтириш учун уларга билимлар бериш керак. Юқори касбий компетентлик талаб этилади. Яъни, ўқитувчи турли ноаниқ вазиятларда кутилмаганда мулоқотга кириши, янгиликни кўрсата бера олиши ва режа асосида ҳаракатланиб ривожланиб борувчи мутахассисдир.

Технологик таълим да зарур билим ва малакаларни эгаллаш жараёнини маълум қонуниятлар асосида ташкил этилади. Бунинг учун технологик таълим ўқитувчиси психология, педагогика ва бошқа фанларнинг ўқув жараёнига асос бўладиган муҳим қоидаларини чуқур ўзлаштириб олиши керак. Мунтазам таълим беришнинг замонавий назарияларини ўзлаштириб бориши, педагогик психология янгиликларини ўрганиб бориш, таълим беришда компетентлик ҳамда шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосларини эгаллаши шунингдек, мавжуд билимлар, кўникма ва малакаларини амалда юқори даражада қўллай олиши ҳамда таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш зарур.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030- йилгача ривожлантириш *Концепцияси*. 2019- йил, 29- апрель
2. *А.И.Воробьев*. “Меҳнат политехника таълими дидактикаси”.- Т.: “Ўқитувчи” 1977.
3. *В.И. Качнев*. “Методика формирования трудовых умений и навыков у учащихся”.- Киев.: “Радянська школа” 1989.
4. *А.Умронхўжаев*. “Мактабда чизмачилик ўқитиш”.- Т.: “Ўқитувчи” 1991.
5. *Д.А.Тхоржевский*. “Меҳнат таълими методикаси”.- Т.: “Ўқитувчи” 1987.
6. *У.Нишоналиев, К.Давлатов, У.К.Толипов, С.А.Усмонов, Н.А.Муслимов, А.Ж.Алиқулов, Д.Раззоқов, Қ.Бобожонова*. “Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари”. Т., 1999.